

**ҲАВО ТРАНСПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДА ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА
ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13926243>

Мавлонов Авазхон Усубхужаевич

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил изланувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада ҳаво транспорти объектларида жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув чора-тадбирларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг самарадорлиги таҳлил қилинади. Жиноий гуруҳларни аниқлаш, профилактика тадбирларини кучайтириш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш борасидаги чоралар муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: Тезкор-қидирув чора-тадбирлари, ҳаво транспорти, жиноий гуруҳлар, профилактика, жамоат хавфсизлиги.

**СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ
ПО БОРЬБЕ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ НА ОБЪЕКТАХ ВОЗДУШНОГО ТРАНСПОРТА И ИХ
ЭФФЕКТИВНОСТЬ**

Мавлонов Авазхон Усубхужаевич

*Независимый исследователь Университета общественной
безопасности Республики Узбекистан*

Аннотация: В статье анализируются специфические особенности и эффективность оперативно-розыскных мероприятий по борьбе с преступлениями на объектах воздушного транспорта. Обсуждаются меры по выявлению преступных группировок, усилению профилактических мероприятий и использованию современных технологий.

Ключевые слова: Оперативно-розыскные мероприятия, воздушный транспорт, преступные группировки, профилактика, общественная безопасность.

**SPECIFIC CHARACTERISTICS OF OPERATIONAL-SEARCH MEASURES IN COMBATING
CRIMES IN AIR TRANSPORT FACILITIES AND THEIR EFFECTIVENESS**

Mavlonov Avazkhon Usubkhodjaevich

*Independent Researcher at the University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan*

Abstract: *This article analyzes the specific characteristics and effectiveness of operational-search measures in combating crimes in air transport facilities. It discusses measures to identify criminal groups, strengthen preventive activities, and use modern technologies.*

Keywords: *Operational-search measures, air transport, criminal groups, prevention, public safety.*

Транспорт узоқ вақтдан бери нафақат йўловчиларнинг, балки турли даражадаги йирик, ўрта ва кичик бизнес субъектларининг ҳам эътиборини ўзига тортган жуда муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Бизнес структуралари транспорт соҳасини юк ташиш, логистика, сервис хизматлари ва бошқа иқтисодий фаолиятларда фойда келтирувчи катта ресурс манбаи сифатида кўради. Шу сабабдан транспортга бўлган қизиқишнинг жинойий олам вакиллари томонидан ҳам кучайиб бориши табиий жараёнга айланган.

Ҳаво транспорт тизимида кўзга кўринаётган қонунбузарликлар жинойий гуруҳлар ўртасидаги йирик мулк тақсимотидан тортиб, товламачилик ва ўғирлик каби қонунга зид ҳаракатлар билан намоён бўлмоқда. Бу вазиятларнинг ўзи ҳаво транспортини ҳозирги кунда ҳуқуқий муҳофаза зарур бўлган ўта муҳим ва мураккаб объектлардан бирига айлантирди. Мазкур соҳада содир этилаётган жиноятчиликни самарали тарзда олдини олиш ва бу жараённи назорат қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан янгича ёндашувлар ишлаб чиқилишини тақазо этади.

Олдимизда тугран бундай вазифани ҳал этишда қуйидаги муҳим саволларга жавоб бериш талаб қилинади: ҳаво транспорт тизимида амалга оширилаётган тузилма-иқтисодий ўзгаришлар жиноятчиликнинг ўсишига қандай таъсир кўрсатади? Ички ишлар органлари транспорт соҳасида юз бериши мумкин бўлган жинойий ҳолатларни олдиндан қандай аниқлаб, уларнинг олдини олиши мумкин? Бунда органлар ўртасидаги ҳамкорликни қандай қилиб самарали йўлга қўйиш мумкин? Жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тузилмаси ва иш фаолиятида қандай ислохотлар зарур?

Бу ва бошқа саволларга жавоб топиш жуда мураккаб ва кўп қиррали вазифа ҳисобланади. Бунинг учун иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилотчилик ва бошқа қатор омилларни ҳар томонлама ва тизимли таҳлил қилиш керак. Чунки ушбу омиллар ҳаво транспорт тизимида юз бераётган ижобий ва салбий жараёнлар ҳамда

уларнинг келгусидаги ривожланиш қонуниятлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, комплекс ёндашувлар орқали ушбу жараёнларнинг барча қирраларини ўрганиш ва тегишли чоралар ишлаб чиқиш зарур. Бу нафақат транспортдаги хавфсизликни таъминлаш, балки транспорт тизимининг самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳақли таъкидлаганидек: “Аҳолини тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашда ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда. Айниқса, мол-мулкка жиноий тажовуз каби салбий ҳолатларга тўлиқ чек қўйилмаганлиги, хусусан, мулкий турдаги жиноятларнинг ҳар бештадан биттаси фош этилмаган. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаблари ва омилларни ўз вақтида бартараф этиш муҳим вазифамиз бўлмоғи керак[1].

Хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича яратилган тизим туризм жойларида ҳамда туристлар томонидан республика бўйлаб ҳаракатланиш учун фаол фойдаланилаётган темир йўл ва ҳаво-транспорт инфратузилмаси объектларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш чора-тадбирларини ўзида бирлаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон ҳамда 2019 йил 1 февралдаги «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5647-сон фармонларига мувофиқ, шунингдек, транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини самарали таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги босқичига ўтиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти ташкил этилди[2].

Департаментнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланган:

“метрополитен, темир йўл, ҳаво-транспорт ва туризм намоёйиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

транспорт ва туризм объектлари ҳудудларида криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, йўловчи ва туристларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

йўловчиларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиладиган товар-моддий бойликларнинг бутлиги ва қўриқланишини самарали таъминлаш;

транспорт ва туризм объектларида террористик таҳдидларни, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, ўқотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиактив, заҳарли, кучли таъсир қилувчи ва заҳарловчи моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни ташкил қилиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда транспорт ва туризм объектлари ва уларга туташ ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг марказлашган мувофиқлаштирилган бошқарувини амалга ошириш”[2].

Департаментнинг тезкор бўлинмалари ходимлари транспорт объектларида юз берадиган ўғирликларга қарши курашишда самарадорликни ошириш учун фақат тегишли функцияларни бажариш бўйича хизматларни оптимал ташкил этиш, шунингдек, моддий ва техник базани ривожлантиришга қаратилган ишларни олиб бориши керак. Бу жараёнда ўғирликни олдини олишга тўсқинлик қилувчи асосий муаммолар (ташкилий, субъектив, объектив ва бошқалар)ни ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш механизмларини таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонун[3]ининг 4-моддасига мувофиқ, жиноятларнинг олдини олиш вазифасини бажаришда тезкор ходимлар ўзларига бириктирилган хизмат ҳудудида мақсадли ва самарали профилактик чора-тадбирларни ташкил этишлари зарур. Бу борада, ИИОларининг Тезкор-қидирув фаолиятини назорат қилувчи раҳбар ва унинг биринчи ўринбосари, шунингдек, жамоат хавфсизлиги бўлимлари раҳбарлари жиноятларнинг олдини олиш, айниқса, транспорт объектларидаги ўғирликларнинг олдини олиш бўйича тезкор ходимларга аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг натижалари доимий равишда назорат қилиниши лозим. Тезкор-қидирув фаолиятини назорат қилувчи раҳбар профилактик тадбирлар, ахборот таҳлили ва идоравий назорат орқали тезкор ходимларга бириктирилган ҳудудда жиноятларнинг олдини олишни самарали амалга оширишда ёрдам бериши керак.

Транспорт ва туризм объектларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу вазифалар жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлашга ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилган бўлиб, йўловчилар ва туристларнинг хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшади. Айниқса, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда марказлашган бошқарувни амалга ошириш жамоат тартиби ва хавфсизликни янада самарали таъминлашга ёрдам беради. Шунинг билан бирга, террористик таҳдидлар ва наркотик воситаларнинг ноқонуний айланмаси каби жиддий муаммоларга қарши курашишга қаратилган чоралар ҳам жуда муҳим.

Ҳаво транспорти объектларида содир этиладиган жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш учун қонунчилик ва амалий даражада турли усуллар ишлаб чиқилган

бўлиб, улар орасида жиноятларга қарши курашишда муҳим ўринни тергов-қидирув фаолияти эгаллайди. ТҚФ доирасида жиноятларни фош қилиш, уларни аниқлаш ва жиноятчиларни қўлга олиш учун самарали шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш муҳим ҳисобланади. Тезкор-қидирув фаолияти натижалари нафақат қонунчилик асосида, балки ҳаво транспортида хавфсизликни таъминлаш бўйича амалий фаолиятда ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ҳаво транспорти объектларидаги жиноятлар нафақат миллий хавфсизлик, балки халқаро меъёрларга мувофиқ келадиган хавфсизлик талаблари бўйича ҳам кўриб чиқиши зарур. Шу муносабат билан, ТҚФ натижаларини тўғри қўллаш ва уларни суд-ҳуқуқ тизимида қонуний кучга эга бўлиши учун зарур бўлган барча қонуний талаблар ва амалиётлар ҳар томонлама таҳлил қилиниши талаб этилади. Ҳаво транспортидаги жиноятлар, хусусан, халқаро парвозлар билан боғлиқ ҳолда, кўп жиҳатдан трансмиллий хусусиятга эга бўлиб, бундай жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш жараёнида давлатлараро ҳамкорлик, махсус техник воситалар ва разведка маълумотларидан фойдаланиш зарурдир.

Тезкор-қидирув фаолияти доирасида олинган маълумотларни қонуний равишда қўллаш ва уларни жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, тергов қилиш жараёнларига киритиш, ҳаво транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш борасидаги долзарб вазифалардан биридир.

Транспорт соҳасидаги жиноий фаолиятнинг ўсиб бориши ва қонунбузарликларнинг кўпайиши шароитида, айниқса, темир йўл ва ҳаво транспорти объектларида, жиноятчиликка қарши курашишда оператив-қидирув хизмати алоҳида ўрин тутди. Оператив-қидирув фаолиятининг роли шундаки, у тезкор ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган самарали чоратadbирлар кўриш орқали жиноятчиликни ўз вақтида фош этиш ва унинг тарқалишини чеклашни назарда тутди.

Транспортда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ТҚФни самарали ташкил этиш, тезкор-қидирув бўлинмалари фаолият юритиш муҳитини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек, бу бўлинмаларнинг асосий вазифаларини аниқлаш орқали амалга оширилади. Бу ҳолатдан тезкор-қидирув тадбирларини жорий ва истиқболли режалаштириш, фуқароларнинг кўмаги, куч ва воситаларни шакллантириш ва фойдаланиш самарадорлиги боғлиқ[4]. Ички ишлар органларининг транспортдаги тезкор-қидирув бўлинмалари тизими ҳам бошқа ҳар қандай ижтимоий тизимлар каби изоляция қилинмаган ҳолда, транспорт тизими билан ўзаро боғлиқ ҳолда мавжуд бўлиб, унинг ҳолати транспортдаги уюшган жиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этади[5].

Оператив-қидирув хизмати темир йўл ва ҳаво транспорти объектларида қонуний тартибларни таъминлаш учун бир қатор асосий вазифаларни бажаради. Буларга қуйидагилар киради:

Жиноий гуруҳларнинг фаолиятини аниқлаш: Оператив-қидирув хизмати жиноий гуруҳлар ўртасидаги алоқаларни, уларнинг транспорт объектларидаги таъсир доираларини ва жиноий хатти-ҳаракатларини ўз вақтида аниқлаб, уларга қарши чоралар кўради.

Профилактика ишларини кучайтириш: Жиноятларнинг олдини олишда профилактика ишлари муҳим аҳамиятга эга. Оператив хизмат ёрдамида хавфли гуруҳлар ва шахсларни кузатиб бориш, уларнинг ҳаракатларини олдиндан таҳлил қилиш орқали жиноятларнинг содир этилишини камайтириш мумкин.

Тезкор тадбирлар ташкил этиш: Оператив-қидирув хизматлари хавфсизликка таҳдид солувчи омилларни тезкорлик билан аниқлаб, уларга қарши тезкор чоралар кўриш учун махсус тадбирларни ташкил этади. Бунда йўловчилар, юкларни ташиш ва транспорт объектларини ҳимоя қилишга қаратилган режалар ишлаб чиқилади.

Ахборот алмашинувини самарали йўлга қўйиш: Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат идоралари ўртасида ахборот алмашинувини кучайтириш орқали жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш самарадорлигини ошириш мумкин.

Техник воситалардан фойдаланиш: Оператив-қидирув хизматлари транспорт объектларида видеокузатув тизимлари, электрон мониторинг ва хавфсизлик воситаларини кенг қўллаб, жиноятчиликка қарши курашда замонавий технологиялардан фойдаланади.

Қонуний тартибларни мустаҳкамлаш: Мулкка қарши содир этилаётган жиноятларни фош этиш, уларни тезкорлик билан суд-ҳуқуқ тизимига олиб чиқиш ва айбдор шахсларга тегишли жазо чораларини қўллаш орқали қонуний тартибларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, жиноятчиликка қарши курашишда оператив-қидирув хизмати нафақат жиноятларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда, балки транспорт объектларида хавфсизликни таъминлаш бўйича комплекс тизимни шакллантиришда ҳам катта роль ўйнайди. Улар томонидан кўрилган чоралар транспорт тизими хавфсизлигини таъминлашга, юклар ва йўловчиларни ҳимоя қилишга ва жиноий фаолиятни чеклашга қаратилган бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш – ҳуқуқбузарлик профилактикаси самарадорлигининг асосий омилдир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 15 ноябрь куни Ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. // [www. uza.uz](http://www.uza.uz). (электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 17.05.2024).

2. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.03.2019 й., 07/19/4229/2710-сон; 10.02.2021 й., 06/21/6165/0104-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; 15.01.2022 й., 06/22/52/0029-сон; 02.08.2022 й., 07/22/339/0703-сон; 20.01.2024 й., 06/24/14/0052-сон

3. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддаси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 29.06.2021 й., 03/21/697/0607-сон; 14.03.2024 й., 03/24/920/0209-сон

4. Оперативно-разыскная деятельность. Климов И.А., Тузов Л.Л., Дубоносов Е.С., Кузьмин Н.А., Эриашвили Н.Д., Хазов Е.Н., Данилкин В.Н., Бычков В.В., Бражников Д.А., Алексеев В.В., Иванцов С.В., Богданов А.В., Щеглов А.В., Комахин Б.Н., Ильинский И.И., Янишевский А.Б., Галузо В.Н. учебник для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки Юриспруденция / Москва, 2017. (3-е издание, переработанное и дополненное)

5. Богданов А.В., Егоров С.А., Хазов Е.Н. Коррупция как один из элементов организованной преступности Вестник Московского университета МВД России. 2016. № 2. С. 67-71.